



## ГАЗАЛЛАР

Гум бўлиб кетган Юсуф Канъонга келгай, гам ема,  
Гам уйи бир кун мунаввар онга келгай, гам ема.

Шод бўлгай бу кўнгил бир кун, кўнгилни бузмагил,  
Юксалиб бошинг яна осмонга келгай, гам ема.

Гар бу гардун икки-уч кун биз учун эврулмади,  
Бир куни бу дарду гам яксонга келгай, гам ема.

Келгай ул умринг бахори, гул ёпингайсан яна,  
Булбуло, богу чаман тугёнга келгай, гам ема.

Парда ичра бир нихон найранглар асрар гайбким,  
Сенгаму ё менгаму – кай жонга келгай, гам ема.

Касри бунёдингни, эй дил, гар фано сели йикар,  
Нух панохинг бўлса гар – тўфонга келгай, гам ема.

Каъба шавки бирла гар кечсанг биёбонларни зор,  
Канчалар хору тикан исёнга келгай, гам ема.

Кисмат ўлмиш бизга ёр жабрию агёр миннати,  
Бу хабарлар барибир Яздонга келгай, гам ема.

Кимки сарсон бўлдию оламда бир дўст топмади,  
Ул етишгай дўстгаю жавлонга келгай, гам ема.

Гарчи максад ноаёну йўл – хатар, манзил йирок,  
Барча йўллар охири поёнга келгай, гам ема.

Хофизо, бу фақру хилват кечаларнинг кўйнида  
То тилинг айтар, дилинг Куръонга келгай, гам ема.

\* \* \*

Эйки, пистанг ханда урмиш кандларга беомон,  
Зору муштокман, ширин бир кулгу килгил армугон.

Шаккарин лаблар била лутф айлаганда бизни ёр,  
Писта, бас, хандонлигингдин колмади ному нишон.

Истасанг гар юзларингдин окмасин кон селлари,  
Сен кўнгил берма бировлар сухбатига хеч қачон.

Гохида зулфинг очиб, гох айлагайсан хандалар,  
Худписандлар бирла биз йўлдош эмасдурмиз, ишон.

Коматинг олдида хатто тўбилар хам лолдир,  
Кечмишам бул киссадин мен, то сухан бўлсин равон.

Ким хабардор ўлгуси ошифта холимдин менинг,  
Улки кўнгли тушмамишдир бул камандга бир замон?

Ёнди шавк бозори, лекин қайда ул юз оташи?  
Токи жонни ул юза испанд килойин бегумон.

Хофизо, сен нозанинлар гамзасидин кечмадинг,  
Қайда йўл, билдингми, сенга? Хоразм, Хўжанд томон.

\* \* \*

Бода бергил сокиё, гулнинг замони келди-ку,  
Гул ичинда тавба синдурмак авони келди-ку.

Айла тугён хар тиконга касдма-касд, бўстондаким  
Бизга хам гул ичра булбул ошёни келди-ку.

Бу чаман сахнида ичгил боданиким, дил аро  
Тоза оятларни айтиб гул забони келди-ку.

Гул чаманга етди, лек бўлма фирокдин бежабар,  
Ёр иста, иста май деб гул фигони келди-ку.

Хофизо, булбул каби гул васлини истар эсанг,  
Йўлига бўлгил фидо – гул богбони келди-ку.

\* \* \*

Сочингни гулни баргига, аё дилбар, никоб айла,  
Юзинг беркитгилу оламини хам бирдан хароб айла.

Ўшал маст наргисингни ишва бирлан уйкудин уйгот,

Чаман ичра гўзал наргисни рашкингдин азоб айла.

Юзингдин терни сачратгил бу бог атрофидин хар ён,  
Бизим кўзлар мисол хар битта гул узра гулоб айла.

Бинафша исларин тинглаб, нигорнинг зулфларидан тут,  
Назар кил лоланинг рангигаю азми шароб айла.

Сенга одат эрур ошикларингни ўлдуруб юрмок,  
Дилимнинг конини гамзанг киличига хижоб айла.

Сенинг феълинг била бахтимни мен чин дилдан ўргандим:  
Берурсан май ракибларга, менга эрса итоб айла.

Дуонинг йўлидан Хофиз висолга етмок истайдур,  
Илохи, хастадилларнинг дуосин мустажоб айла.

\* \* \*

Ёрга ошикман, менга куфр ила иймонингни кўй,  
Мен шаробни ташнасиман, васлу хижронингни кўй.

Дилбаримнинг лабларидан бир тириклик топмадим,  
Шул сабаб, жоним, менга жон бирла жононингни кўй.

Ишк ароким ўлмишам – даврон амирин найлайин?  
Бенаво, бечорадурман, бегу султонингни кўй.

Менга дилдор кошларидан битта меҳроб бўлса бас,  
Дилга шул давлат етар, кўп бахсу достонингни кўй.

Икки олам ичра менга Ёр аскотгай факат,  
Жаннату дўзахни кўйгил, хуру гилмонингни кўй.

Мардларнинг суратин кўй, сийратин сен сайлагил,  
Марди ошик бўлсанг ул суратли айвонингни кўй.

Масту ошиксан агар такрор айтгил, Хофизо:  
Ёрга ошикман, менга куфр ила иймонингни кўй.

\* \* \*

Кемамизни келгилу солгил шароб дарёсига,  
Кексаю ёшларни хам солгил шу иш гавгосига.

Ким демишлар яхшилик кил, яхшиликни сувга сол,

Келгил, эй сокий, киришгил шу накл ижросига.

Жом аро гулрангу хушбўй бодадин келтир менга,  
Рашкдин куйсин гулоб, ўт сол анинг даъвосига.

Гарчи мен масту харобман, менга бир лутф айлагил,  
Бир назар сол бу хароб дилнинг куюк сахросига.

Гар ярим тун ичра сенга офтоб юз кўргузур,  
Ол никоб гулчехра киздан, бок анинг раъносига.

Ўлганимда, олгилу, тупрокка топширмай таним,  
Хумга солгил сен мени, солгил шароб маъвосига.

Килча гар юз бурса сандан, олгилу Хофиз дилин,  
Олгилу солгил ани ёр зулфининг савдосига.

\* \* \*

Менинг бир мушкулим бор ўз дилимдан,  
Вале бир сўз деёлмам мушкулимдан.

Менинг махзун бу жоним айтса бўлгай,  
На конлар истадим мен ўз дилимдан.

Колибман ортда карвонингдан, эй ёр,  
Кетар, ёр, махмилинг – дил махмилимдан.

Кезиб Мажнундайин чўлу биёбон,  
Нишон бир топмадим ўз манзилимдан.

Менга бир йўл буюрмишлар азалдан,  
Йирокман кемадай ўз сохилимдан.

Бу йўлда неча дамларни йўкотдим,  
Шу бахтим дастидан – ўз гофилимдан.

Бу манзилларда тупрок бўлди Хофиз,  
Бу тупроklar – менинг обу гилимдан.

\* \* \*

Йилларки риндлар мазхабин жисмим аро жон килмишам,  
Аклимни фатвоси била нафсимни зиндон килмишам.

Анкони истаб манзилин мен бир ўзим йўл юрмадим,

Йўлларда йўлдошимни мен мурги Сулаймон килмишам.

Абгор дилимга соя сол бир лахза, эй ганжи мурод,  
Кўркам бу уйни мен сенинг кўйингда вайрон килмишам.

Ўпмам дебон сокий лабин кўп тавбалар килган эдим,  
Нодонни доно деб атаб, энди пушаймон килмишам.

Мастлик билан ростлик азал устодининг изминдадир,  
Неки буюрмиш тангри: кил, мен хам ўшал он килмишам.

Олам яралгандан буён фирдавсни килгайман тамаъ,  
Мен гарчи майни кўп ичиб, ишрат фаровон килмишам.

Картайганимда гул Юсуф сухбатлари бўлмиш насиб,  
Гам кулбаси – калбимни сабрим бирла шодон килмишам.

Мен бир газал девонига йилларки кулман, не ажаб,  
Невчун ўзимни сохиби девон деб эълон килмишам?..

\* \* \*

Бу замон савдосига бир хадду поён кўрмадим,  
Аргувоний бода келтир, ўзга дармон кўрмадим.

Мардларга ишку ошиклик нишондир, ўзни топ,  
Бу шаҳарнинг шайхларида лек бу унвон кўрмадим.

Бир кадах бахш этмади ҳеч ким, хумор ўлдим агар,  
Олам ичра дилни ахлидан бир инсон кўрмадим.

Бу кадах офтобининг айшин баланд тутгил мудом,  
Чунки вақт толеини мен шоду хандон кўрмадим.

Сочи бирлан белининг шархини мёндан сўрмаким,  
Мен ўзимни ушбу анжуманда бир он кўрмадим.

Бул менинг икки кўзимга юз минг афсусларки, мен  
Бул ики кўзгу билан чехранг намоён кўрмадим.

Навнихол коматларинг кўзёшларимдан яшнади,  
Сарвакдларни вале сохилда мехмон кўрмадим.

Ушбу дарё ичра, Хофиз, сен сафинанг бирла кол,  
Бундан ўзга сўз бисотини дурафшон кўрмадим.

\* \* \*

Ушбу гурбатхонадан кетсам азиз остонага,  
Ахд килдим йўл аро киргум яна майхонага.

Бу сафардан сог-омон кайтсам ватанга мен агар,  
Кайга борсам дўст бўлурман окилу фарзонага.

Бу сулукнинг сайридан кашф этганим хикмат шудир:  
Бир кўлинг борбатда бўлсин, бир кўлинг – паймонага.

Кон ютарлар ишк эшигининг бари ошнолари,  
Нокас ўлгум гар шикоят айласам бегонага.

Ёр зулфин занжирин бундан буён кўйвормирам,  
Хеч кулок солмасман энди бу дили девонага.

Кошларин меҳробини кўрсам агар бир бор яна,  
Саждада шукр айлагум, кетгум факат шукронага.

Сархуш ул дамки вазирнинг ҳукми бирлан, Хофизо,  
Дўст билан майхонадин кетсанг чикиб кошонага.

\* \* \*

Бир дилбари жоним менинг олди дилу жоним менинг,  
Олди дилу жоним менинг бир дилбари жоним менинг.

Лаб берса жононим менинг жонлангуси жоним менинг,  
Жонлангуси жоним менинг лаб берса жононим менинг.

Фирдавси ризвоним менинг дўст кўйининг тупрогидир,  
Дўст кўйининг тупрогидир фирдавси ризвоним менинг.

Кўнглим бу – хайроним менинг шайдою сайронинг сенинг,  
Шайдою сайронинг сенинг кўнглим бу – хайроним менинг.

Юсуфи Канъоним менинг хусн элининг подшоси сен,  
Хусн элининг подшоси сен Юсуфи Канъоним менинг.

Сарви гулистоним менинг хуш кадду бўйингдир сенинг,  
Хуш кадду бўйингдир сенинг сарви гулистоним менинг.

Хофиз газалхоним менинг сўз ичра султоним менинг,  
Сўз ичра султоним менинг Хофиз газалхоним менинг.

\* \* \*

Лола даврида кадах ол, бериё бўлгил кўнгил,  
Бир нафас гулнинг хидига хамзиё бўлгил кўнгил.

Йил бўйи бир тинмайин май ич демасман сенга ҳеч,  
Май ичиб уч ой, тўкиз ой порсо бўлгил кўнгил.

Ишк пиринг гар сени шул ишга даъват айлағай,  
Ичгилу ҳақ раҳматин кутгил, сафо бўлгил кўнгил.

Гайб асрорига гар етмок тиларсан Жам мисол,  
Ул жаҳон жомига доим мубтало бўлгил кўнгил.

Гунча янглиг гар тугундир кўхна дунё ишлари,  
Сен баҳорнинг елидай мушкулкушо бўлгил кўнгил.

Бўлма ёр бегоналарнинг тоатига, тинглагил,  
Хофизингдай риндларга ошно бўлгил кўнгил.

\* \* \*

Эй лабингдин битта сўз жоним аро жондин лазиз,  
Ҳар на ширин бўлса оламда лабинг ондин лазиз.

Тишларинг сут катрасию лабларинг кони шакар,  
Бормикан оламда бу шириу шакар кондин лазиз?

Дил кони бирлан жигарларнинг кабоби сен учун,  
Келса гар май хам кабоб гул юзли жонондин – лазиз.

Лутфинг оллида тилимдан келди бир сўзлар латиф,  
Лабларинг васфини айтсам барча дostonдин лазиз.

Дил гизоси дилраболар хуснидин бўлса агар,  
Ўтгуси таъми лабу тил бирла дандондин лазиз.

Хофизинг жон ширасидинким пиширмиш холвалар,  
Лабларингнинг болин ўйлабдур дилу жондин лазиз.

\* \* \*

Хуш ракамни гул юза гул юзли дилдор тортадур,  
Худдики гул саҳфасига гулни гулзор тортадур.

Етти кат хилват аро пинхон кўзимни ёшини,

Сен олиб бозорга солгунг, элни ошкор тортадур.

Хар замон мастона кўзлар бирла майгун лабларинг,  
Ишва айлаб, бизни хилват ичра хуммор тортадур.

Сен дедингки: сайдларимнинг ёнида бўлгай бошинг,  
Хўп, дедим мен, ёр учун бошим бу озор тортадур.

Кошу кўзингга на тадбир айлагайман дил била?  
Икки ёйким, битта бемор узра такрор тортадур.

Кел менинг ёнимгаким, асрай ёмон кўздин сени,  
Тоза гулсан, этагинг хажрини бу хорб тортадур.

Сен борурсан, икки ёндан – зулфларингнинг бўйлари,  
Тонг елини ишлатурга икки маккор тортадур.

Хофизингга бу жахон неъматларидан не керак?  
Тортадур май, бўйнига зулфини ул ёр тортадур.

\* \* \*

Кайда васлинг муждаси, тан ичра жондин кўзголай,  
Жон кушиман, яъниким икки жахондин кўзголай.

Ул хидоят ёмгирингдан менга хам еткиз, Худо,  
Гард бўлиб кетгум, бу жисми нотавондин кўзголай.

Гар мени бандам десанг, ишкинг билан жавлон уриб,  
Хар гулу, хар бир хасу, кавну макондин кўзголай.

Кабрим узра мутрибу май бирла ўлтиргилки, мен  
Исларингдан маст бўлиб хар устухондин кўзголай.

Кексаман гар, ол мени тун ичра тор кўйнинггаким,  
Ёш йигитдай тонг сахар сен меҳрибондин кўзголай.

Кўйинга кўрсатма менга ул кабохат куни, ёр,  
То фалак жабру жафосию замондин кўзголай.

Сарв каддинг бирла килгил менга ширин ишвалар,  
Хофизингдай ўйнабон жону жахондин кўзголай.

## **РУБОИЙЛАР**

\* \* \*



Бу гул келгай – менга уммидлари келгай,  
Дилимга шодлиги хам ийдлари келгай.  
Анга хамдам бўлойин деб якинлашсам,  
Бу гулдан хам бировнинг хидлари келгай.

\* \* \*

Жонон ечинса бунча жонон бўлгай,  
Бир ён ўзию жахон бир ён бўлгай.  
Соф сийнаси остидин дили кўринадир,  
Соф сувда дегилки тош намоён бўлгай.

\* \* \*

Мен шавки бор бир кишининг бандасиман,  
Ишк тавки бор бир кишининг бандасиман.  
Бу бодани ишк завки борлар ичадир,  
Мен завки бор бир кишининг бандасиман.

\* \* \*

Биздек агар афтодаи бу дом бўласан,  
Май бирла харобу бандаи жом бўласан.  
Оламини ёкар риндлигу ошиклигимиз,  
Биз бирла ўтурмагилки бадном бўласан.

\* \* \*

Сел олди, кара, умрни вайронасини,  
Тўлдирадир у умрни паймонасини.  
Эй хожа, уйонгилки, замон хаммоли  
Йигмокда, супурмокда умр хонасини.

\* \* \*

Аъзойи баданларим исинсаю шай бўлса,  
Бир хавою бир кабобу чанг бўлсаю най бўлса.  
Бир арпаси хам керак эмас Хотами Тайнинг,  
Бир хилвату бир дилбару мен бўлсаму май бўлса.

## КИТЪАЛАР

\* \* \*

Фалак хар неки бермиш – кайтариб олмиш, зарар бўлмиш,  
Ўтибдир ёшлик айёми – бу не янглиг сафар бўлмиш?

Умрдин колган онларни хуш ўтказгил, аё Хофиз,  
Кўзингда ушбу дамда икки дунё мухтасар бўлмиш.

\* \* \*

Эйки, даврондин тиларсан, айтмирам: зар истагил,  
Молу дунёси надир – гар истама, гар истагил?  
Шод бўлгил, шод юргил, айш килу хуррам яша,  
Барчасин тарк айла осон, битта согар истагил.

\* \* \*

Айтди ул гулфом шароб ўз васфида бундок калом:  
Тўртта хар хил жойда мен тўрт турли гавхарман мудом.  
Ток учун зумрад эрурман, шиша ичра мен – акик,  
Хум аро юлдузману жом ичра офтобман, тамом.